МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА 2-бет
«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар
ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН 6-бет
ЗИЛЗИЛАНИ ОЛДИНДАН БИЛИШ МУМКИНМИ? 7-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 24 (10.329) / 2005 ЙИЛ 4 ФЕВРАЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг III пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижроси, Сиҳат-саломатлик йилида амалга ошириладиган ишлар режаси муҳокама қилинди.

● **БУГУН** Бектемир туман марказий кутубхонасида академик ёзувчи Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб уюштирилган тадбир "Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди" деб номланди.

● **КЕЧА** Республика рақс ва хореография Олий мактабида ўзбек шеъриятининг ёрқин сиймоси, мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодига бағишланган кеча ўтказилди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 9-мактабда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан **ЎТГАН** куни барча туманлар мактабларининг "Камолот" етакчилари иштирокида уюштирилган семинар "Камолот" ЁИҲ фаолиятини кучайтириш чораларига бағишланди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида талабаларга Муқимий номли ўзбек Давлат мусиқали театри ижодкорлари томонидан тайёрланган "Осмоннинг бағри кенг" номли спектакль намойиш этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**




«Рант-сервис» хусусий корхонасида тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи қурилиш ашёлари бунёдкорлик ишларида қўл келмоқда.

**СУРАТЛАРДА: корхонанинг бўяш цехида; чилангар-йиғувчи Ойбек Норжонов сифатли маҳсулот тайёрлашга интилади.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

## "ЎЗБЕКИСТОН-ЕИ" ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИНИНГ ОЛТИНЧИ МАЖЛИСИ

**Брюсселда "Ўзбекистон Республикаси-Европа Иттифоқи" ҳамкорлик кенгашининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда мамлакатимиз ҳайъатига Ташқи ишлар вазири С.Сафоев, ЕИ ҳайъатига Люксембург ташқи ишлар вазири Ж.Асселборн бошчилик қилди. ЕИ кенгашидан бош котиб, умумий ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакил Х.Солана, Европа комиссиясидан эса ЕИ ташқи алоқалар ва қўшничилик сиёсати бўйича комиссари Б.Ферреро-Вальднер ва бош котибнинг ташқи алоқалар бўйича ўринбосари М.Ли вакил бўлишди.

Мажлис давомида Европа томони Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий ислоҳотларни олдга суриш, парламент тизимини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини олқишлади ва парламентлараро ришталарни ривожлантириш заруратини таъкидлади.

Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ташаббуслари ҳамда Афғонистонни қайта тиклашда кўрсатаётган кўмагини ижобий баҳолади. Мажлисда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдаги юқори мавқеи қайд этилди. Хусусан, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилиш ҳамда терроризм, наркобизнес ва бошқа ноқонуний фаолиятга қарши кураш соҳасида, жумладан, наркотикларни назорат қилиш (CADAP) ва чегараларни бошқариш (BOMCA) бўйича минтақавий дастурларни амалга ошириш доирасида аниқ қўшма тадбирларни ишлаб чиқишга тайёрлиги билдирилди.

Ўзбекистон ҳайъати мамлакатимизнинг ЕИга аъзо давлатлар билан савдо-сотиқ ва сармоялар, транспорт коммуникациялари, энергетика ва техникавий кўмак масалаларида ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари тўғрисида тақдимот маросими ўтказди.

Брюсселга ташриф доирасида Ўзбекистон ҳайъати аъзоларининг Европа парламенти вице-президенти А.Видал Куадрос Рока ва Европарламентнинг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича ҳайъати раиси О.Юкневичиене билан учрашувлари бўлиб ўтди. Уларда "Ўзбекистон-ЕИ" парламент ҳамкорлик қўмитаси доирасида сиёсий мулоқотни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик масалалари, шунингдек, ЕИ умумий ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Х.Солана, ЕИ ташқи алоқалар ва қўшничилик сиёсати бўйича комиссари Б.Ферреро-Вальднер ва ЕИ таълим, тренинг ва маданият комиссари Я.Фигел билан суҳбатларда ҳам муҳокама қилинди.

Ташриф давомида Бельгия Сенати президенти А.М.Лизин ва Бельгия ташқи ишлар вазири К.Гюхт билан бўлиб ўтган учрашувларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири НАТО бош қароргоҳига ташриф буюриб, Шимолий Атлантика альянси бош котиби Я.Схеффер билан учрашди. Унда Ўзбекистон ва НАТО ўртасида Шериклик амалиётининг индивидуал режаси доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Жамшид МУТАЛОВ,**
**"Жаҳон" АА,**
**Брюссель**

## ҚАМЧИҚ ДОВОНИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан олинган маълумотга кўра, 2005 йилнинг 1 февраль куни соат 10.00 да қор кўчкилари тўғрисида олдиндан хабар бериш «Қамчиқ» станцияси навбатчисидан шу куни соат 12.00 дан бошлаб Тошкент-Ўш автойўлининг 151- ва 176-километрлари оралиғида қор кўчиш эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар келган. Шу сабабли Наманган-Тошкент ва Тошкент-Ўш автойўлининг айрим участкаларида ҳаракат вақтинча тўхтатилди. Ушбу йўлнинг хавфли қисмида бўлган барча автоулов ва фуқаролар «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди, «Автойўл» давлат акциядорлик компанияси, Давлат тоғ техника назоратининг тоғ-қутқарув қисми ва Ички ишлар вазирлиги ўт ўчириш бўлинмалари томонидан эвакуация қилинди. Тошкент-Ўш автойўлининг айрим қисмларида соат 14.00 дан 14.20 гача қор кўчиши рўй берди.**

2 февраль куни соат 07.30 ва 07.45 да мазкур йўлнинг баъзи участкаларида турли ҳажмдаги қор кўчкилари рўй берди, натижада йўлнинг айрим участкалари тўсилиб қолди.

Қор кўчкисини тозалаш ишларига «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди, Давлат тоғ техника назоратининг ҳарбийлашган тоғ-қутқарув қисми, йўл қурилиши хизмати ва ёнғинга қарши курашиш бўлинмаларидан 415 киши ҳамда 99 махсус техника жалб этилди.

Қор кўчиши оқибатида «Автойўл» давлат акциядорлик компанияси махсус бўлинмасининг ишчилари вақтинча яшайдиган 8 вагони қор остида қолди, вагонда бўлган 4 ишчи ҳалок бўлди.

Қор кўчиш хавфи бор ҳудудларни ўрганиш вақтида УАЗ-469 русумли автомашинани кўчки олиб кетган, натижада Бошгидромет хизматининг икки ходими шикастланган. Эвакуация қилинганидан сўнг улардан бири — автомашина ҳайдовчиси — тан жароҳатлари оқибатида вафот этди. Иккинчи ходимнинг аҳволи қониқарли.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ Бўритош Мустафоев Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири этиб тасдиқланди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

● **Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими ташаббуси билан вилоят марказий банки ҳамда давлат-тижорат банклари раҳбарлари ҳамда вилоят оммавий ахборот воситалари ходимларининг учрашуви ташкил этилди.**

● **«Ғаллабанк»нинг Қорақалпоғистон бўлими томонидан кичик ва хусусий бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида самарали фаолият олиб борилмоқда. Хусусан, банк кредити ҳисобига «Пол-Инвест» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси негизида пропилен қопларни ишлаб чиқариш бўйича завод қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

● **Металл буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Шарқметалл» кичик корхонаси Андижон вилоятидаги қурилиш ташкилотларининг йирик буюртмалари асосида маҳсулот тайёрлай бошлади.**

● **Термиз шаҳридаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари талабалари ўртасида фан олимпиадасининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.**

### Жаҳонда

● **АҚШ Президенти Жорж Буш Конгрессда мамлакатдаги аҳвол тўғрисидаги йиллик маъруза билан чиқиш қилди. Бушнинг бир соатга яқин қилган маърузаси Американинг барча асосий телеканаллари орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилди ва у мамлакат раҳбари иккинчи президентлик муддатининг ташқи ва ички сиёсати устувор йўналишларига бағишланди.**

● **Еврокомиссия 2010 йилга Европа Иттифоқи аъзолари бўлган мамлакатларда 6 миллион иш ўринларини ташкил этишни режалаштирмоқда.**

● **6 февралда Буюк Британия қироллигининг Кент шаҳрида ўзбек кураши бўйича анъанавий Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқаро турнири бўлиб ўтади.**

● **Financial Times газетасининг хабар қилишича, Германия иқтисодиётининг кейинги тўрт йил ичида рекорд даражада юқорилашуви кутилмоқда.**

● **Қозоғистон пойтахтида Остона янги халқаро аэропортининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Янги аэропортнинг лойиҳаси япониялик архитектор Кис Курокава томонидан тайёрланди.**

*Анжуманлар*

# УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Мамлакатимизда бошқа соҳалар каби халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу соҳада амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ўз самарасини бермоқда. Айтиш жоизки, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг мантиқий давомидир.**

Халқ таълими вазирлигида 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг бажарилишига, шунингдек, дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар дастурнинг мазмун моҳиятини оммавий ахборот воситалари ходимларига етказиш юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда сўзга чиққан Халқ таълими вазири Т.Жўраев дастурнинг мақсади республикамиз мактаблари, айниқса қишлоқ жойлардаги ўқув муассасалари фаолиятини замонавий талаблар даражасига етказиш, уларда зарур шарт-шароитларни яратиш эканлигини таъкидлади. Асосан бешта йўналишдан иборат ушбу дастур мактабларни реконструкция қилиш (зарур ҳолларда янгисини қуриш), таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, мактаблардаги ўқув лабораторияси ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш, таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, умумтаълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, уларда спорт базасини мустаҳкамлаш каби энг муҳим омилларни ўз ичига қамраб олади.

Ўтган йили дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича кўплаб мактаблар бунёд этилди, режадаги ўқув муассасалари тўлиқ таъмирланди. Бу хайрли ишларга маҳаллий ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Шунингдек, мактабларни малакали педагоглар билан таъминлаш мақсадида ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини ошириш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрилди. Шу мақсадда Осиё тараққиёт банки билан биргаликда «Таълим тармоғини ривожлантириш дастури» лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Анжуманда шунингдек, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими, мактабларда болалар спортини ривожлантириш, ҳамда мактаб таълимидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш каби масалаларга тўхталиб ўтилди. Йиғилиш сўнгида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида атоқли адиб, академик Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.**

*Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдидан*

# АДИБНИНГ СЎНМАС МЕРОСИ

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини, меросини янада чуқур ва теран ўрганишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Наим Каримов, Умарали Норматов ва бошқа адабиётшунос олимлар Ойбекнинг XX аср ўзбек адабиёти ривожидаги улкан ҳиссаси, асарларидаги бетакрор кечинмалар, гўзал ҳис-туйғулар китобхонларни поклик ва олижанобликка ундаб келаётгани хусусида сўзладилар.

Талабалик йилларида яратган «Туйғулар» тўплами ҳамда публицистик мақолаларидаёқ Ойбекнинг иқтидори, адабиёт майдонида ўз ўрнини топишга бўлган интилиши яққол сезилган.

Тадбирда ижодкор асарларидаги она Ватанга, буюк аждодлар меросига муҳаббат ғояларини ёшлар шуурига янада чуқурроқ сингдириш лозимлиги таъкидланди.

**ЎзА**

# РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2004 йилги фаолияти якунлари ҳамда жорий йил вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши ўтказилди.**

Қўмита раиси Жамшед Сайфиддинов ўтган даврда қўлга киритилган кўрсаткичлар ва истиқболдаги устувор вазифалар тўғрисида сўзлади.

Қўмита ва унинг ҳудудий органлари ўтган йилда асосий эътиборни товар бозорларини монополиядан чиқаришга, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишга қаратди.

"2002 — 2005 йиллар ва 2010 йилгача бўлган даврда рақобат муҳитини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" дастурини амалга ошириш доирасида қурилиш материаллари, нефть-газ, коммунал хўжалик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, озиқ-овқат, ёғ-мой, гўшт-сут маҳсулотлари, енгил ва кимё саноати каби соҳаларни ўз ичига олган 20та монополиядан чиқаришнинг тармоқ дастурлари ишлаб чиқилди.

Асосий йўналишлари мавжуд корхоналарни реконструкциялаш, янги корхоналарни барпо этиш, қўшма корхоналар тузиш ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш учун кредит ажратилишини таъминлашдан иборат бўлган монополиядан чиқаришнинг 14 та минтақавий дастурини амалга ошириш давом эттирилди. Дастурларда белгиланган тадбирларнинг ўтказилиши устун мавқега эга бўлган корхоналар сонининг камайишига олиб келмоқда. Хусусан, 2004 йилда монопол маҳсулотлар сони 231тадан 210тага, монополист корхоналар сони эса 363тадан 344тагача камайди.

2004 йилда рақобат муҳитини ҳимоя қилиш ва монополист корхоналарни ўз устун мавқеини суиистеъмол қилишининг олдини олиш мақсадида 954 та корхона ва ташкилотларнинг фаолияти ўрганилиб, уларнинг 801 тасида қонун бузилиш ҳолатлари борлиги аниқланди. Бундай қонун бузилиш ҳолатлари бартараф этилди. Монопол корхоналар томонидан асоссиз равишда олинган 2330,0 миллион сўмлик пул маблағлари зарар кўрган хўжалик юритувчи субъектларга, жумладан 1597,0 миллион сўми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қайтариб берилди. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 12 марта кўпдир.

Қўмита раисининг таъкидлашича, "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув лаборатория жиҳозлари ҳамда ўқув-кўргазма қўлланмалари ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш Дастури" ни амалга ошириш юзасидан кўрилган чоралар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулот турлари бўйича калькуляциялари қайта кўриб чиқилиб, нархларни пасайтириш асосида 2003 йилда 781,6 миллион сўмлик бюджет маблағлари иқтисод қилинган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 1,6 миллиард сўмни ташкил этди. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик талабларини таъминлаш бўйича ўтказилган текшириш ва мониторинг якунларига кўра аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича жами 116,9 миллион сўмлик маблағ зарар кўрган истеъмолчиларга қайтариб берилди. Бир йил давомида истеъмолчиларнинг 816та ариза ва шикоятлари кўриб чиқилди. Шулардан 716 таси истеъмолчиларнинг фойдасига ҳал этилди. Юзтаси эса ҳозирги кунда ўрганилмоқда.

Ҳайъат йиғилишида амалга оширилган ишларга, хусусан таҳлил ва мониторинглар ўтказиш, уларнинг натижаларига танқидий нуқтаи назардан ёндошилди.

Йиғилишда жорий йилда Ҳукумат қарорларидан келиб чиққан ҳолда қонунчилик базасини, монополияга қарши тартибга солишнинг механизмларини янада такомиллаштириш, кенг омма ичида истеъмолчилик маданиятини тарғибот қилиш каби истиқболли йўналишлар белгилаб олинди.

**Хусан СУЛАЙМОНОВ, "Туркистон-пресс"**

*Бозор ва харидор*

# ЖИЛОСИ КЎЗНИ ОЛАДИ

**"Излаган имкон топади", деган ибора бежизга айтилмаган. Пойтахтимиздаги — "Оникс" акциядорлик жамияти тадбиркорлари ҳам ўз истиқболларини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшиш учун изланишдан чарчашмаяпти.**



Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ушбу корхонада бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотнинг харидоргир турларини кўпайтиришга, сифатини янада оширишга эътибор кучайтирилган. Корхонада 200 дан ортиқ турдаги биллур буюмлар ишлаб чиқарилаётган бўлса, ўтган йилда яна 20 хилдан ортиқ маҳсулот турлари яратилди. Бу борада тажриба-синов цехи мутахассисларининг ҳиссалари каттадир. Шунингдек, қўшни давлатлардан харидорлар топиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, маҳсулот экспорти ҳажмини кўпайтириш мақсадида савдо уйлари ташкил этилмоқда.

— Маҳсулотларимизни асосан маҳаллий хом ашёдан тайёрлаймиз, — дейди корхонанинг иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Абубакир Ускенбоев, — айрим таркибий қисмларни эса Қозоғистон давлатидан келтирамиз. Корхонамизда 750 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, маҳсулот тайёрлашда асосан қўл кучи билан нозик дид ва маҳорат талаб этиб бажарилаётган ишлар кўп. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини таъминлашни кўзда тутиб, мавжуд эски линияларни модернизациялашни амалга оширяпмиз.

Шунинг баробарида германиялик ҳамкорлар билан алоқаларимизни мустаҳкамлаб янги ускуналар келтиришга ҳаракатидамиз. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробарга ортиб, янги иш ўринлари ҳам яратилади.

Ҳозирда корхона тадбиркорлари биллур буюмларга зарҳал бериб безашга, жилосини оширишга эътибор қаратишмоқда. Кўргазмалар залидан ўрин олган корхона маҳсулотлари эса изланишлардан, мутахассисларнинг маҳоратларидан ёрқин далилдир. Шунингдек, пойтахтимиздаги кўплаб муҳташам иморатларда савлат тўкиб турган, жилоси кўзни қамаштирувчи биллур қандиллару бежирим ва чиройли ёритгичлар корхонада меҳнат қилаётган уста меъморлар меҳнати маҳсули, десак асло муболаға бўлмайди.

Албатта, изланишлар бесамар кетмайди. Шу боис ҳам тадбиркорлар жорий йилда Марказий Осиё бозорларини чуқур ўрганиш асосида маҳсулотларнинг янги-янги моделларини яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишни кўзда тутганлар. Ана шундай сифатли маҳсулотларнинг жилосию жарангидан барча харидорлар мамнун бўлиши, шубҳасиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: ушбу биллур қандил юксак маҳорат намунасидир.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Биз ўзимизга таниш бўлган бир фуқародан хонадон сотиб олган эдик. Ўша вақтда хонадон эгаси ўзингиз кейинчалик расмийлаштириб оларсизлар, деб ишончнома бериб кетган эди. Ҳозирги вақтда бу фуқаро ўз оиласи билан чет элга доимий яшаш учун кўчиб кетган. Ишончнома муддати эса ўтиб кетибди. Айтингчи, биз хонадонни сотиб олганлигимизни қандай расмийлаштирсак бўлади?**

**Ш.Ризаев, тадбиркор.**

Ишончнома агар сотиш ҳуқуқи билан берилган бўлса, кўрсатилган муддат ичида сиз хонадоннинг олди-сотди шартномасини расмийлаштириб олишингиз керак эди. Агарда сиз хонадонни сотиб олганлигингизни тасдиқламоқчи бўлсангиз тегишли тартибда туман фуқаролик судига мурожаат этишингиз мумкин.

* * *

**Мамлакатимизда фуқароларга тўланадиган пенсияларнинг турлари ҳақида билмоқчи эдим.**

**М.Воҳидов, ўқитувчи.**

Давлат пенсияларининг қуйидаги турлари мавжуд: ёшга доир пенсия; ногиронлик пенсияси; боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

Фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда пенсия тайинлашни сўраб ўзлари яшаб турган манзилдаги ижтимоий-таъминот бўлимига мурожаат этишлари мумкин.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар — 54 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Ногиронлик пенсиялари меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилган ҳолларда тайинланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари эса вафот этган боқувчининг қарамоғида (20-модда) бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига берилади.

* * *

**Хурмо мевасининг жуда кўп хасталикларга шифолиги ҳақида эшитиб қолдик. Айниқса бўқоққа даво эмиш. Ростдан ҳам шундайми?**

**Ш.Носирова, уй бекаси.**

Халқ табобати амалиётида хурмо мевалари меъда касалликларига чалинганлар учун жуда фойдали. У айниқса, оғир, тинка қуритадиган касалликларни бошидан кечирган кишилар учун қувватбахш омил бўлади.

Хафақонда, камқувватликда, қон босими пасайиб кетганида, юқори нафас йўллари шамоллаши ва қон кусишда хурмонинг етилиб пишганидан олинадиган шарбат ичиш тавсия этилади.

Хурмо меваларидан тайёрланадиган шарбат бўқоқ касаллигига ҳам шифо ҳисобланади. Ушбу мева пархез сифатида сархил ёхуд қоқи ҳолида истеъмол этилади.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Камтар-камсуқум бўлганда ҳам ўз иззат-нафсини сақлаш, қадр-қимматини билиш зарур. Камтарлик ҳар кимсага эгилиш, ўзини ҳаммадан паст тутиб, хас-чўпдек хор-зор кўрсатиш эмас. Бу ҳақда доно ҳикмат ҳам бор:

**Эгилганга эгилгин —**
**бошинг ерга теккунча.**

● Иззат-нафсини ерга уриш, бирор нарса илинжида елпатак бўлиш, ўз инъон-ихтиёрини бировнинг қўлига бериб қўйиш ҳам қадр-қиммат чиннисини чил-чил қилиб юборади.

● Орияту уялишнинг ҳам чеки, меъёри бор. Ўта ориятли бўлиб, ўз ҳақ-ҳуқуқидан айриладиган, оғзидагини олдириб қўядиган одам ҳаёт насибаларидан бебаҳра қолади ва айни ҳолатда қадр-қимматини йўқотади. Ноўрин тортинчоқлик қилинаверса, одам дарё қирғоққа чиқариб ташланган сомон парчасидек кўпчиликдан четга сурилиб қолади. Инсоний гўзал фазилатларнинг «жилғаси» оқиб бориб, қадр-қиммат «дарёси»га қуюлади. Агар «жилға»лар қанчалик равон оқса, мусаффо бўлса ва ёмон ният қўшилмаса қадр-қиммат «дарёси» шунчалар азим, азиз ва жўшқин бўлади.

● Қадр-қиммат инсоннинг ҳам захирий, ҳам ботиний ҳис-туйғулари бўлиб, у катта руҳий мадад бағишлайди. Иззат-обрўли, қадр-қимматли, эъзоз-эътиборли одамнинг кўзидан нур, юзидан сурур, хатти-ҳаракатидан ёқимли ғурур ёғилиб, унга гўзал салобатли, покиза адолат, улуғ шон-шавкат рамзини бағишлайди.

● Меҳнат — бойлик манбаи.

● Меҳнат — инсон ҳаёти маданияти асоси.

● Меҳнат инсонда ижодий куч уйғотади.

● Инсон меҳнат билан камол топади.

● Меҳнатсиз топилган бойлик омонатдир.

**Қисса**. Бир ари кулфат ва машаққат билан бир донни ташиб кетаётган чумолини кўриб унга айтибди:

— Эй чумоли, нега бунча ранжу аламни ўз устингга юкладинг, нега бунча машаққатни ихтиёр этдинг? Кел, яхшиси менинг ейиш-ичишимга бир қара. Сен ҳам ундан баҳра ол. Мен хоҳлаган еримга қўнаман, хоҳлаган овқатимни ейман. Сен бўлсанг, битта дон учун шунча машаққат чекасан, — деди-да учиб бориб бир қассобнинг сотиб турган гўшти устига қўнди. Қассоб пичоқ билан бир урган эди, у икки нимта бўлиб ерга тушди. Чумоли дарров келиб унинг оёғидан тишлаб уясига олиб кета бошлади. Шунда ари чумолидан:

— Мени қаерга олиб кетаётирсан? — деб сўраган эди, чумоли:

— Меҳнатсиз текин томоқликнинг балосига мубтало бўлганнинг ҳоли шундай кечади, охири бориб ўзи ўзига ем бўлади, — деб жавоб берди.

Байт:

**Есам арпа нонин**
**меҳнат билан,**
**Шириндир бировларнинг**
**оқ нонидан.**

● Яхши устоз шогирдлар етиштиради.

● Ўз шогирдларида меҳнатдан завқланиш хислатларини уйғота билган устоз шарафларга лойиқ.

# ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

**Республика Миллий матбуот марказида таниқли ёзувчи Жонрид Абдуллахоновнинг “Ҳаёт — абад васил айёмидир” деб номланган янги китобининг тақдимоти ўтказилди.**

— Жонрид Абдуллахонов ўз ижодини 12 ёшидан буён радио ўчоғида тоблаб, тарбиялаб, камолга эришган инсонлардан бири ҳисобланади, — деди Ўзбекистон журналистлар уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов. — У киши радио тавсияси билан университетда таҳсил олди. Москвадаги олий адабиёт курсини тугатди. Радиодаги фаолиятни оддий мухбирликдан бошлаб, адабий драматик эшиттиришлар таҳририятининг бош муҳаррири даражасигача кўтарилди. Шунингдек, Ўзбекистон телевидениесини ташкил этишда фаол иштирок этди. Қатор ҳикоялар ва шеърий тўпламлари билан элга танилди.

Мазкур китоб Ўзбекистон радиоси ва телевидениесининг тараққиёти, икки маънавият саргашларидан бўлган даргоҳининг солномасини яратган фидойи инсонлар ва уларнинг фаолиятларини давом эттираётган шогирдлари ҳақида ҳикоя қилади. Муаллифнинг бутун умри шу икки даргоҳда ўтганлиги боис қаламга олинган мавзулар тўлақонли ва ҳаяжон билан ўқилади. Бевосита радио ва телевидение етиштириб вояга етказган атоқли арбоблар сиймоси кўз олдингизда гавдаланади. Тақдимот иштирокчилари китобдаги радио ва телевидение фидойилари ҳақида таъриф топган ҳар бир лавҳа ва ҳикоялар ўша романтик йилларни бир умрга эсга солиб турувчи муқаддас ҳайкалдир, унинг қиммати ҳам ана шунда, дея эътироф этишди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**“Туркистон-пресс”**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ОРАСТАЛИК ЯРАШАДИ

Шаҳримизда ҳавас қилса арзигулик бири-биридан гўзал бинолар кўп. Ҳаттó улар орасида юксакликка бўй чўзганлари ҳам борки, уларнинг юқори қаватига қарасанг гўё дўппинг ерга тушгудек. Бу биноларнинг ҳаммаси инсонлар учун бунёд этилган. Лекин биз ҳамиша ҳам улардан тўғри фойдаланиб, ташқи кўринишига путур етказмаймизми?Келинг, яхшиси бу саволга жавоб топиш учун ўша биноларнинг пешайвонларига назар ташлайлик. Кўриб турибсизки, уларнинг ҳаммаси ҳам биз истаганчалик ёки ўша бинонинг ҳуснига мос тартибли ва ораста эмас. Бу қаватма-қават чўзилиб кетган пешайвонлар орасида шундайлари ҳам кўзингизга ташланадики, уларга қараб туриб беихтиёр ранжиб кетасиз.Бирида эски стол-стуллар, қурилиш материаллари уйиб ташланган бўлса, бошқасида шундоққина кўзга кўринадиган жойга ювилган кир-чир кийимлар пала-партиш осиб ташланган.

Ўзимиз гувоҳ бўлган бир мисол. Яқинда кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи қадрдонимизникида бўлдик.Меҳмонхонада узоқ гаплашиб ўтиришдан зерикиб очиқ ҳавода нафас олиш учун пешайвонга чиқдик. Кўзимиз дарҳол бир бурчакка уйиб ташланган қишки оёқ кийимларига тушди. Пешайвоннинг узунасига кетган тўсқичларига эса ювилган турли кийим-кечаклар икки қатор қилиб бетартиб осиб ташланган эди.Уй орасидаги майдончага назар ташлаймиз. У ерда болалар тўп тепиб ўйнаб юришибди. Майдонча теппасида ҳар икки қарама-қарши уйлар оралиғида тортилган арқонларга осиб ташланган кир-чирларчанг-тўзонда тебраниб, ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Улар ювилиб, тозаланганини нимаю, мана бунақа чанг-тўзонда бепарволик билан қолдирилганлиги нима?

Мезбон нигоҳимиз бу манзарага узоқ қадалиб қолганидан дилимиздагини сезди шекилли:

— Нима қилайлик, шундай қилишга мажбурмизда.Ювиб тозаланган кир-чирларни қуритадиган махсус жой бўлмагандан кейин нима ҳам қилардик, — деди.

Албатта биз бу фикрга қўшилмадик. Ҳар қалай кун бўйи муҳташам биноларимизнинг баъзи пешайвонларида бундай нохуш манзарани кўриш-кузатиш ачинарли.Ноилож бўлган тақдирда ҳам кирларни кечаси билан қуритиш, кундуз кунлари эса пешайвонларни тартибга келтириб қўйиш мумкиндир, ахир. Шаҳримизда ўз пешайвонида гул ўстириб, уни ораста қилиб сақлаётган хонадонлар озмунчами? Улар кир-чирларини қаерда қуритаётган экан? Ҳеч бўлмаса, улардан сўраб, тажрибаларидан ўрганайлик, ахир. Ҳозир ҳеч бир муаммо йўқки, чораси топилмаган бўлса. Наҳотки шундай бир пайтда кичик бир масалани кўнгилли ҳал этиш мумкин бўлмай қолган бўлса?

Ўз шаҳрини дилдан севган, унинг обод ва кўркам бўлишини истаган одам биринчи навбатда ўзи яшаётган даргоҳни обод қилади,уни батартиб сақлаш йўлларини қидиради. Қўни-қўшниларга ибрат кўрсатиб, уларни ҳам ўзидек тартибли бўлишга ундайди.

## УСТА КЎРГАН ШОГИРДЛАР

Уй юмушида ишлатиладиган бир қатор анжомлар ўтмаслашиб қолган экан. Уларни чархлатиб, тузаттириб келиш мақсадида Эски шаҳарга бордик. «Эски Жўва» деҳқон бозорининг ўнг томонида узундан- узоқ чўзилган замонавий ҳунармандчилик расталарини айланар эканмиз, кўзимиз қўли гул усталар томонидан ишланган бири-биридан бежирим буюмларга тушди.Улар орасида темир- терсакдан тортиб, то ёғочдан ясалган турли-туман жиҳозларгача бор. Болалар бешигини меҳр билан ясаётган уста олдида бироз тўхтаб, унинг ишини кузатдик. 10-12 ёшлар чамасидаги болакай устага ёрдам беряпти. У мўъжазгина электр аррачада бешик дастасига осадиган ҳалқачаларни тезкорлик билан моҳирона ясамоқдаки, кўриб туриб шунақа нозик юмушни шу кичкинтой бажараётганига ҳайрон қоласан. Унинг иш жараёнини бироз кузатиб турдик-да, болакайни суҳбатга тортдик.

— Отинг нима?

— Олимжон.

— Кўпдан бери шуғулланасанми бу ҳунар билан?

Суҳбатга унинг отаси Кимсан ака қўшилди.

— Ақлини таниганидан бери шу ҳунарни ўрганади. Бешиксозликнинг ҳам ўзига яраша инжиқликлари бўлади-ки, бу касбга ёшлигидан ҳавас қўйган киши унинг сир-асрорларини тўла ўзлаштириб олади.

Ҳақиқатан ҳам тайёр бешикларни кузата туриб, уларга берилган нозик шаклларни унча-мунча киши ясай олиши мушкуллигини ич-ичимиздан ҳис этдик

— Набиралар учун бешик керак бўлса, уста Кимсан қайдасан деб олдимизга келаверасиз, отахон. Сизга арзон баҳода жуда чиройли, ўзгалар кўрса ҳаваси келадиган бешик ясаб бераман. Фақат уч-тўрт кун олдин келиб буюртма берсангиз, бас.

Уста билан хайрлашиб нари кетдик. Ҳунармандлар қўлидан чиқиб, сайқал топган буюмлар шу қадар дид билан ясалганки, бири-биридан нафис бу анжомларни ҳавас учун харид қилгинг келади.

Ёғочсозлик растасидан ўтиб, темирчилик устахоналари томон бордик. Бу ерда ҳам усталар: «Хоҳлаганингизни танлаб олинг» дегандек, ўз қўллари билан ясаган буюмларни кўзга ташланадиган жойга расамади билан териб қўйишибди. Уларнинг баҳосини сўраймиз. Нархлари ҳам инсоф билан белгиланган.

Охири чархловчи уста билан рўбарў келдик.

— Келинг, отахон хизмат? — деди у бизга юзланиб.

— Мана шу анжомларни чархлатиб олмоқчи эдик, — дедик қўлимиздаги рўзғор буюмларини кўрсатиб.

— Ўтириб туринг, 15 дақиқада қиличдек қилиб берамиз, — деди уста.

Ҳақиқатдан ҳам у орадан ҳеч қанча вақт ўтмай биз келтирган рўзғор асбобларини чархлаб, ялтиратиб, янгидек қилиб қўлимизга тутқазди. Разм солиб турсак темирчилик растасидаги усталар шогирдларининг кўпчилиги ёшлар экан. Ўз ишига сидқидилдан ёндошиб устозининг айтганини бекаму кўст бажараётган ёшларнинг хатти-ҳаракатини кузата туриб, улар ҳам йиллар ўтиб ўзлари устозларининг ўрнини эгаллашлари ва маҳорат даражасида улардан ҳам ўзиб кетишларига шубҳа қилмадик. Албатта, шундай кунлар келадики, улар мустақил ясаган асбоблар қўлма-қўл бўлиб кетади. Ахир бутун умрини ўзи ёқтирган касбига бағишлаган кишининг қўли бора-бора мўъжиза ярата олиши сир эмас-ку.

## ТУҲМАТ ТОШИ БОШИГА ЕТДИ

Халқ донишманд. У синаб, синовдан ўтказиб, кўп йиллик тажрибадан келиб чиққан ҳолда билиб айтади. Мақол ва маталга айланиб кетган бу сўзлар бугунги кунда ҳар биримиз учун бебаҳо хазинага айланиб қолган.Масалан, биргина «Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан», деган ҳикматли гапни олайлик.Унинг нақадар ҳаётийлиги, тўғри топиб айтилганлигига истаганча мисоллар келтиришимиз мумкин. Гапимизнинг исботи учун мана бир ҳаётий воқеани келтирсак:

Шорасул бошлиқнинг ҳузурига кирди. Ўзи билан бир хонада ўтирадиган ҳамкасби устидан мағзава ағдарди. Охирида масалани кўндаланг қўйди:

— Ё у ишласин бу ерда, ё мен.

Бу гапдан ишга янги келган бошлиқнинг боши қотди.

— Хўш, нимага асосланиб уни ишдан бўшатаман, — дея синчков назар билан ҳамсуҳбатига тикилди.

— Сурункали ишга кеч келади. Кейин фойдали юмуш билан шуғулланмай хонама-хона юриб, одамларни ишдан қолдириб гап сотади. Шунинг ўзи етарли эмасми уни ишдан четлатишга.

— Яхши, — деди бошлиқ узундан узоқ чўзилган масалага якун ясаб, сўраб-суриштирамиз. Бошқаларнинг фикрини ҳам билайликчи.

Шу куни у ҳузурига корхонада кўп йиллар ишлаётган мутахассисларни таклиф этди. Уларнинг тажрибали ходим Неъматжон Мансуров ҳақидаги фикри билан қизиқди. Йиғилганлар бир овоздануни энг яхши, ҳар томонлама намунали хизматчи эканлигини айтишди. Кейин Шорасул ҳақида сўраб-суриштирди. Мажлис аҳли унинг ўртамиёна ишчи, энг ёмони, ғийбатчи эканлигини билдиришди. Шорасул тақдир тақозосибилан корхонада тез-тез алмашиб турадиган бошлиқларга ноўрин шикоят қилиб, уларни ўз сўзига ишонтириб, иқтидорли ходимларнинг кўпчилигининг «бошига» етганлигини айтишди.

Шу билан йиғилиш тугади. Шорасулнинг мақсади бошлиққа аён бўлди. Бу орада Шорасул темирни қизиғида босиб қолиш учун ўзи кўтарган масала юзасидан яна бир неча бор бошлиқ ҳузуригакириб чиқди. Ҳар сафар бошлиқ турли баҳоналар биланбу ишни сансалорга солаверди. Лекин шу билан бирга Неъматжон ҳақидаги сўраб-суриштирувни тўхтатмади.

Ниҳоят масала ойдинлашди. Шорасулнинг ўз ҳамкасби хусусидаги айтганлари бориб турган туҳмат, унинг кўролмаслигидан тўқилган иғво эканлигини аниқ билди. Қарори қатъийлашди. Шундай вазиятдаШорасул яна бошлиқ ҳузурига кириб ҳар галгидек масалани қатъий қўйди: «Ё мен, ё у».

— Менга қаранг, — деди бошлиқ Шорасулнинг иғвосидан зерикиб, чарчаб. — Неъматжонни бўшатишга ҳеч қандай асосим йўқ. Сиз айтган сўзлар тасдиғини топмади. Шундай экан, агар ўша ҳамкасбингиз жонингизга теккан бўлса, у билан ишлашни хоҳламасангиз қийналиб, бу қадар сиқилиб юрмангда, марҳамат қилиб, ишдан бўшаш ҳақида ўзингиз ариза ёза қолинг.

Кутилмаган таклифдан Шорасул лол бўлиб қолди. Шундай қилиб бировга қазиган чоҳига ўзи йиқилди.

*Ажойиботлар оламида*

## ЗИЛЗИЛАНИ СЕЗУВЧИ ЖОНИВОРЛАР

**Кўп йиллик тажрибадан маълумки, зилзилагача ва ундан кейин кўпдан кўп ҳодисалар содир бўлади. Турли соҳа олимлари уларни илғаш, сўнгра аниқ маълумотлар олиш учун ўз интилишларини бир мақсадга жалб этаяптилар. Геологиянинг ер қимирлашини текширувчи бўлимидан(сейсмология) йироқ фанлар ёрдамга келмоқда. Масалан, зоологлар зилзилага сабаб бўладиган ҳодисаларни ўрганиш устида изланаяптилар.Уларни ҳайвонлар танаси тез сезар экан.**

Арманистоннинг Сараарт тоғ қишлоғи рўй берган мисли кўрилмаган ер силкинишининг маркази бўлди. — Кутилмаганда ит ҳура бошлади, товуқлар безовталаниб у ёқдан-буёққа чопишди. Бунинг боисини сезиш осонми? Нима бўлишини олдиндан ким башорат қила олади?

Кунларнинг бирида Туркманистонга бордик. Билим жамиятининг Ашхобод бўлими фаоллари, обрўли кишилар бир оила тақдири тўғрисида сўзлаб бердилар. Маълум бўлишича, хонадон аъзоларини оддийгина ит ажалдан сақлаб қолибди.

Шаҳарни вайрон қилиб, ўн минглаб одамлар ёстиғини қуритган зилзила бошланишига бир неча дақиқа қолганида жонивор уй эгаларининг кийимидан тортиб, ташқарига бошлаган. Ота-она ва уларнинг икки ўғилчаси бирор кор ҳол рўй берган бўлса керак, дея ҳовлига чиққанлар. Шу лаҳзада ер қимирлаган. Беш қаватли ғиштин бинонинг у ер-бу ери қулай бошлаган. Унда яшовчи 120 кишидан фақат тўрттаси тирик қолган.

Зилзилани фақат итларгина эмас от, қуш, балиқ каби жониворлар сезиш қобилиятига эгадирлар. Сигирлар, қўйлар, чўчқалар, мушуклар ер қимирлашини олдиндан аниқ билишади. Каламушлар, сичқонлар ҳам шундай.

Ҳайвонларнинг 70 га яқин тури рўй беражак ҳалокатнинг яқинлашиб келаётганини сезиши аниқланган.

Мисрнинг Нил дарёсида яшовчи филча балиғига бу борада тенг келадиган жонивор йўқ. Шимолий Помирдаги зилзилани текшириш станциясида иш олиб борувчи мутахассислар ана шу луқмаи ҳалолни сувли идишга солиб қўйдилар. Жониворлар нафақат станциянинг мураккаб асбоблари билан ёнма-ён яшаяптилар, балки уларни яқинлашаётган зилзиладан "огоҳлантираяптилар".

Грециядаги Геликос шаҳри эрамиздан аввалги 382 йилда зилзила оқибатида вайрон бўлганди. Бу ҳодисани ҳайвонлар олдиндан сезганлиги тўғрисидаги маълумот бизгача етиб келган. У энг қадимги хабар. Ўшанда латчалар ва кўрсичқонлар ер қимирлашидан бир неча кун олдин уяларидан ташқарига қочиб чиққан. Афсуски, бу воқеа нимагадир одамлар хаёлидан кўтарилиб кетди.

"Кичик дўстларимиз"нинг яқинлашиб келаётган ерости силкинишларини сезиш қобилиятини тан олмасликдаги асосий тўсиқ шуки, олимлар табиий офатларни аниқ қайд этмаганлар. Аммо жонли даракчилар тўғрисидаги маълумотлар йилдан-йилга тўплана борди.

Таниқли рус олими И.А. Мушкетов ер қимирлаши олдидан ҳайвонларнинг хулқи ўзгаришига мамлакатимизда биринчи бўлиб эътибор берди. 1837 йилда олим Верний (ҳозирги Олмаота) шаҳрида рўй берган зилзиланинг гувоҳи бўлганди.

Лекин жониворлар зилзилани олдиндан қандай сезиб олишини биз ҳозирча билмаймиз. Изланиш давом этяпти.

**Воҳид ЭРГАШЕВ,**
**Дилшод АВАЗОВ,**
**ТМИ талабалари.**





Қиш зийнати қор билан.

О. Ширшова, А.Безручко, Н.Семёнова олган суратлар.

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

## 5 февраль, шанба

**Бу кунни мунажжимлар яратувчилик ва сулҳпарвар кунлардан бири сифатида баҳолашади. Бирон нарсани режалаштирмай, ўзингизни толиқтирмай, эркин жадвал асосида кунни ўтказинг.**

Куннинг иккинчи ярмида турли мулоқотлар, сафарлар, янги танишувлар, дўстлар билан дийдорлашув фойдали ва сизга яхши кайфият бахш этади. Кун айниқса ижодкор кишилар учун яхши келиши, илҳомингиз жўш уриши, яратувчиликка кучли интилиш пайдо бўлиши мумкин. Фурсатни бой бермай, қалбингиз нидосига қулоқ тутинг.

Чигаллашиб кетган вазиятларни ортиқча эҳтиросларсиз, қонун доирасида ечишга ҳаракат қилинг. Шунда ҳаётингизни бутунлай ўзгартириб юборадиган ғалабалар ва бахтли тасодифлар юз беради. Кун кўчмас мулк билан олди-сотди учун, муҳим ишлар ва илмий тадқиқотлар учун омадли бўлади.

Димоғингизга уриладиган ҳидлар сиз нималарга эътибор беришингиз кераклигидан хабар беради.

Мабодо, сизни ёқимли, хушбўй ҳид таъқиб этса, бу сизнинг сеҳрли ҳимоянгиз борлигидан нишона бўлади. Уйдан чиқаётиб, тўсатдан йиқилиб тушсангиз, бу — режаларингиз барбод бўлиши мумкинлигидан огоҳлантириш сифатида сиздан эҳтиёткорликни талаб этади.

Бугунги тушларингиз ўнгидан келади ва тез орада буни билиб оласиз. Агар тушингизда парвоз қилсангиз, шамол шиддатини ҳис этсангиз, камалак ёйлари ва осмонни кўрсангиз булар катта яхшиликлар аломати.

Саломатлик хусусида шуни айтиш мумкинки, бугун юрак заифлашиб, артериал қон босими ошиб кетиши хавфи бор. Ёғли таомлардан тийилиб, кўкатлар, сабзавотлар ва цитрус меваларини кўпроқ истеъмол қилинг. Асабийлашиш ва зўриқишдан эҳтиёт бўлишни унутманг.

Кийинишда ёрқин, ҳаворанг, оқ ва олтинранг кийимлар кийганингиз маъқул. Ола-була, айниқса, қизил, зарғалдоқ ва қора ранглардан нарироқ бўлинг.

Шу куни:

— янги ишларга қўл уриш (барча бошлаган ишингиз ажойиб натижалар бериши кутилади);

— уйларни саранжом-саришта қилиб йиғиштириш, иш жойи ва кутубхонангизни тартибга келтириш;

— ўз бошлиғингиз, маҳаллий ҳокимият вакиллари билан мулоқотда бўлиш;

— ота-онангиз ва бошқа қариндош-уруғларингиз ҳузурига ташриф буюриш;

— иродангизни ишга солиб эринчоқликни енгиш тавсия этилади.

Бирйўла бир неча ишнинг бошини тутиш, нақд пулни ножўя сарфлаш, туйғуларга ишонишни маслаҳат бермаймиз.

## 6 февраль, якшанба

**Ҳа, шу куни кўпдан ўйлаб қўйган ишингизни бошлаш сизга омад келтиради. Мунажжимлар бу кунни астойдил меҳнат қилиш, айниқса ерга ишлов берадиган амалларни бажариш учун ғоят қулай деб ҳисоблайдилар ҳамда шу ишларингиз тез равнақ топишига ишонадилар.**

Шу билан бирга, уддалай олмай юрган ишга қўл уриш тавсия этилмайди. Ижод билан боғлиқ меҳнат ҳам самарали бўлиши кутилади. Бошлаган ишларингиз тақдимоти ҳам муваффақиятли ўтади.

Оилавий юмушлар орасида сартарош ҳузурига бориш, ўз ташқи кўринишингизга эътибор қилиш, фарзандлар даврасида бўлиб, уларнинг кўнглини олиш фойдали.

Тушларингиз башоратли бўлиб, ўнгидан келади. Тушдаги ахборотлардан фойдаланишингиз мумкин, зеро, улар тўғри йўл кўрсатади. Сариқ рангли маъдан буюм топиб олишингиз ҳам яхшилик аломати бўлади. Мабодо, тугмангизни ёки кийимларингиздан бирортасини йўқотсангиз — хафа бўлманг. Улар сизга халақит бераётган тўсиқлар ҳамда алоқаларнинг узилишидан нишонадир.

Саломатлик масаласида кўзингизни даволашга киришмаганингиз маъқул. Кўздаги жарроҳлик операцияларидан ҳам бугун наф кам бўлади. Юрагингизни эҳтиёт қилинг — шу аъзо хасталиклари хуруж қилиб қолиши мумкин.

Шу куни ёрқин ҳаворанг, яшил ёки кумушранг кийимлар сизга ярашади ва омад келтиради. Бугун янги кийим харид қилмаганингиз маъқул — у тез тўзиб, кўнглингизга ёқмай қолади.

Шу кунги тавсиялар:

— анчадан бери қунт билан тайёргарлик кўриб юрган ишни бошлашингиз;

— интилишларда қатъиятли, собитқадам ва ташаббускор бўлиш;

— ҳамкасблар маслаҳатларига қулоқ тутиш;

— ўзингиз учун муҳим бўлган масалалар юзасидан фаол баҳс олиб бориш, аммо унинг можарога айланишига йўл қўймаслик фойдали бўлади.

Йўл ҳаракати қоидаларини зинҳор бузманг. Муҳим муаммоларингизни телефон ёки бошқа алоқа воситалари орқали ҳал этишга уринманг.

**Ҳа, шу кеча-кундуз сайёралар таъсири бирмунча кучайиб, ҳар қандай кўрган тушларингиз пуч бўлади ва муҳим ишларга қўл урмаган маъқул. Рўза тутиш ёки енгил овқатлар, мева-сабзавотлар тановули билан кунни ўтказиш фойдали.**

## 7 февраль, душанба

Якшанба кунги тавсиялар ҳали ҳам ўз кучида қолиши кутилади. Бу гаплар айниқса маънавий, илмий, ўқув фаолияти, шунингдек, қишлоқ хўжалик ишлари, қурилиш ашёлари ва малака ошириш билан боғлиқ ҳаракатларга тааллуқли.

Уйга яқинроқ бўлишга интилинг, сафарлар ва муҳим ишларни кейинроққа суринг. Китоб мутолааси, таҳлилий ишлар, мантиқий масалаларни ечиш – оқшом учун энг яхши машғулотлардир. Уйқу олдидан исириқ тутатиб юбориш турли нохушликларнинг олдини олади.

Майда-чуйда синиқ-мертиклар, бармоқларни кесиб олиш, майда жароҳатлар, либосларнинг йиртилиши, маржонлар сочилиши – кинна киргани ва нохушликлардан далолат.

Рўза тутиш фойдали. Буйрак, қоратолоқ, ошқозонингизни эҳтиёт қилинг.

Қорамтир-кулранг либосларни киймаганингиз маъқул, қизил, зарғалдоқранг, шунингдек, сариқ ва яшил ранглар сиз учун афзалроқ.

Бугунги кун учун :

— муҳимроқ бўлган ҳар қандай ишдан қўлингизни тортинг;

— ўзингиз кўникиб кетган одатий ишлар билан шуғулланинг;

— оғир лаҳзаларда дўстлар, қўшниларга мурожаат қилинг;

— сабр-тоқатли ва мушоҳадали бўлиш тавсия этилади.

Жиддий ҳаракатлар қилиш, узоқ сафарга отланиш, илмий, ижтимоий, сиёсий фаолият билан шуғулланиш, орқа кураклар ўртасидаги оғриққа эътиборсизлик , худбинлик ва шуҳратпарастликка берилиш яхшиликка олиб бормайди.

*Шунақаси ҳам бўлади*

## ТАБИАТНИНГ ҚАЛТИС ҲАЗИЛИ

**Бу воқеа 1971 йилда АҚШнинг Фолмуот шаҳрида рўй берди. Ҳайдовчи шофёр Эдвин Робинсон ўзи томон юқори тезликда келаётган енгил машина билан тўқнашмаслик учун юк машинасини кескин буриб юборди. Натижада машина ағдарилиб кетиб, ҳайдовчи оғир жароҳатланди. У кўриш ва эшитиш қобилиятидан маҳрум бўлди.**

Эдвин шу алфозда ўн йил умр кечирди. Шундан кейин бир неча йил ўтгач, у яна бир марта ўлимдан қолди. Бечорани бу гал яшин уриб кетди.

Табиатнинг бу сафарги "Қалтис ҳазили" унга бахт келтирди. Унинг кўриш ва эшитиш қобилияти яна тикланди.

## ҚУЛАЙ ЙЎЛ

**Британия авиақурилиши жамиятининг президенти Кейт Уиккенден яқин уч йил ичида Париж билан Лондон оралиғида дирижабль қатновини йўлга қўйиш имконига эга бўлди. Бу янги транспорт йўлида ҳаво кемаси соатига 160 километр тезликда учиб, бир йўла 200 йўловчи ва 30 тоннагача юк олади.**

Бунинг амалга ошиши ташаббускорнинг таъбири билан айтганда Ламанш бўғозидан сув ости йўлини "қуриш лозимми-лозим эмасми" деб мужмаллик қилаётган корчалонларга муносиб зарба бўлди.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Циркда ишлаш учун 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган, хореографик (акробатика) тайёргарликка эга бўлган йигитлар ва қизлар қабул қилинади.**

**Цирк маъмуриятига соат 12.00 дан бошлаб ёки 144-34-35; соат 20.00 дан кейин эса 123-95-67 телефонларига мурожаат қилинг.**

**«Ўргатилган кучукчалар» номерида ишлаш учун циркка ҳайвонларни парвариш қилувчи хизматчилар керак.**

**144-35-87 телефонига қўнғироқ қилиб, 286 (ички телефон) рақамини улаб беришни сўранг.**

**40-48-00 телефонига эса соат 20.00 дан кейин мурожаат қилинг.**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Мирзо Улуғбек туманида номаълум шахс, Олмачи кўчаси, 20-уйда ижарада яшовчи Раҳиманинг уйига бостириб кириб, уни ва меҳмонда бўлган Фарғона вилояти, Риштон тумани, Сухобод қишлоғида яшовчи Мастураларни пичоқ билан қўрқитиб, Мастуранинг 10000 сўм пулини тортиб олиб, қочиб кетган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида, Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманида яшовчи Учқун ушланди. Ёшлик бебошлик деганларидек Учқун инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф солиб, зўрлик ишлатиб қилган ҳаракати натижасида ўзлаштирган ўн минг сўм пул учун ёшлигининг "олтин" дамларини панжара ортида ўтказади.

● Чилонзор туманида номаълум шахс, Чилонзор 6 мавзеси, 37-уйда яшовчи Фаридани куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, 20000 сўм пулини тортиб олиб, қочиб кетаётган вақтида шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари Синдоров ва Қаршибоевлар томонидан далилий ашё билан ушланди. Суриштирув давомида талончининг 1972 йилда туғилган, ишламайдиган, Чилонзор "Ц"-2да яшовчи Дмитрий.С. эканлиги маълум бўлди. Ҳозирги кунда Дмитрий тергов саволларига жавоб бермокда.

● Чилонзор туманида Чилонзор 6 мавзесидаги "Хазиналар оролчаси" автосервиси ишчиси, Сергели 8 "а" мавзеси, 16-уйда яшовчи Акбарали устахонага таъмирлаш учун топширилган "Тико" русумли автоуловни устахона ҳудудидан ўғирлаб ҳайдаб чиқиб кетган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида, Акбарали далилий ашё билан ушланди. Нима сабабдан бу ножўя ҳаракатни содир этдинг, деган саволга эса, айбланувчи томонидан жавоб йўқ. Эндиликда яқин кунларда у қонун олдида ўз қилмиши учун жавоб беради.

● Мирзо Улуғбек туманида илгари ушланган, 1972 йилда туғилган ишламайдиган, судланган, Спутник 2 мавзеси, 32 уйда яшовчи Эркин билан тергов жараёнида аниқланишича, у 2004 йилнинг 13 ноябрь куни соат 11.00 да, Муртазоев кўчасидаги 4-уйда жойлашган Республика ихтисослаштирилган Кардиология маркази ҳудудида, шу марказ раҳбаридан бирига ўзини бокс федерациясидан деб таништириб, "Федерация томонидан сизларнинг марказингизга "ВАЗ-2107" русумли автоулов совға қилинди, автоуловни расмийлаштириш учун пул керак", деб алдаб, 60000 сўм пулини олиб, қайтариб бермаган. Ҳозир фирибгарнинг бошқа жиноий ҳолатларга алоқадорлиги ўрганилмоқда.

**Дилбар ЁДГОРОВА,**
**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Матбуот марказининг жамоатчи мухбири**

*Кўргазмалар*

# ДОСТОНЛАРНИ АКС ЭТТИРГАН АСАРЛАР

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Муборак Йўлдошевнинг "Достонларни акс эттирган асарлар" мавзуидаги шахсий кўргазмаси очилди.**



Кўргазманинг очилишида кўпгина санъатшунос олимлар, рассомлар, ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, М.Йўлдошев 1998 йил Ўзбекистон Бадиий академиясининг кумуш медалига сазовор бўлган. Унинг кўп йиллик ижодида маҳорат ва салобатни, ўз йўналишига эга бўлган рассомни, шунингдек асрлар қаърига назар солганча, халқ қаҳрамонларининг афсонавий тимсолларини бугунги кунга қайтарилганлигини кўришимиз мумкин. Рассомга қадим асотирларга айланиб қолган "Гўрўғли" ҳамда "Алпомиш" достонлари қаҳрамонларини йирик полотноларда, қуюқ рангларда яратиш қанчалик завқ бағишласа, шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур ва ўрта асрларнинг тарихий шахсларига бағишлаб асарлар яратиш ҳам шундай илҳом беради.

Муборак Йўлдошев яратган асотирлар қаҳрамонлари ҳақиқий паҳлавон салобатини, куч-қудратини, эзгулик ва муҳаббат йўлида матонат билан мардларча жанг қилишга қодир эканлигини ифода этади. Ёрқин тилла ранг бўёқлар орқали рассом шарқнинг серқуёшлигини, шунингдек, айнан рангга бўлган ўзгача муҳаббатини билдиради. Хусусан, муаллифнинг "Авесто"га бағишланган рангтасвир асарлари ҳам оловрангга йўғрилган.

Аҳамиятли томони шундаки, рассом қаҳрамонларининг кийим-бош ва қурол-яроғларига ҳам алоҳида эътиборини қаратади. Бу эса ижодкордан кўпгина изланишлар талаб этади. Картинада Алпомиш унинг рақиби бўлган кўкалдоши Қоражон билан жангга киришар экан, ёнидан унга далда берувчи гўзал ва оқила Барчинойнинг бўлиши асарни нафақат композицион жиҳатдан, балки мазмунан бойитганлиги рассомнинг муваффақиятидир. "Авесто"га бағишланган полотно сюжетларида Яхшилик ва Ёмонлик маъбудалари бўлган Хурмус ва Заҳҳок ҳам ранг ва турли чизиқлар орқали воқеанинг кульминацион нуқтаси сифатида маҳорат билан акс эттирилади.

"Ҳофиз ва Темур баҳси" номли картинада ифодаланаётган воқеалар узоқ даврларда Эронда содир бўлганлигини ундаги улкан меъморий бинолар айтиб туради. Унда Соҳибқирон Амир Темур адолат, заковат ва куч-қудрат белгиси бўлган оқ отда ифодаланган.

Кўргазмада 300 га яқин асарлар намойиш этилмоқда. У 18 февралга қадар давом этади.

**Юлдуз УСМОН**

**СУРАТДА: рассом М.Йўлдошев ўзи ишлаган картина ёнида**
**Владимир Гранкин олган сурат.**

*Бўш вақтингизда*

# КРОССВОРД



**Энига:** 1. Қўлга ўргатиладиган қуш. 4. Яқин Шарқдаги давлат. 9. Дурадгорликдаги тишли асбоб. 10. Бажарилиши мажбурий бўлган вазифа. 11. Маркалар йиғиш билан шуғулланиш фаолияти. 15. Миллий, гуручли таом. 19. Чамбарсимон ҳолда пиширилган қовурма егулик. 21. «Суҳбатлар» асарини ёзиб қолдирган қадимги Рим файласуфи. 22. Ширинлик тури. 23. Металл. 27. Алоқа техникаси. 28. Тошкент вилоятидаги шифобахш оромгоҳ. 29. Ҳинд эпоси номи: «Калила ва...». 24. Зиғирпоя толасидан тўқилган мато. 38. Электр токини улайдиган ёки узадиган автомат асбоб. 39. Чехия шахмат гроссмейстери. 40. Ишчанлик ҳолати. 41. Қуёш галактикасидаги сайёра.

**Бўйига:** 1. Пианино қисми. 2. Ёзув асбоби. 3. Радиоактив элемент. 4. Туркиядаги шаҳар. 5. Чўпонлар манзилгоҳи. 6. Миллий нон тури. 12. Айёр, йиртқич. 13. Маҳаллий шароитни ўрганувчи мутахассис. 14. Қизил қон таначалари. 17. Инглиз файласуфи ва социологи. 18. Тропик мамлакатларда тарқалган сув оти. 25. Кузги қизғин мавсум. 28. Қовун нави. 30. Нефть маҳсулоти. 31. Автомобиль кузови қисми. 32. Кино зали қисми. 33. Тошкентдаги бозор. 37. Байрам ширинлиги.

**Ёйлар бўйича:** 7. Халқимизнинг азалий қўшиғи. 8. Латиш ҳайкалтароши. 16. Сокин, оҳиста. 20. Эгилмасдан синадиган ашё. 26. «Шум бола» асари персонажи. 35. Энг юқори баҳо. 36. Уялиш туйғуси, ҳижолат.

**Муаммонома**

Кроссворд жавоблари асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг.

23-3; 35-1; 27-7; 29-3; 34-2; 41-1; 15-3; 3-2.
21-7; 13-4; 32-2; 7-1; 10-1; 18-1; 5-3; 9-2.
18-1; 19-1; 6-1; 20-1; 36-4. Улардан аён бўладиган ҳикмат Луқмони Ҳакимнинг азиз фарзандига қилган юз насиҳатидан бири ҳисобланади.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

## Газетанинг шу йил 28 январь сонида берилган

**СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:** Қоғоз. Камтарлик. Торпедо. Ракета. Карабин. Ректор. Тор. Бахт. Оро. Ранда. Пудрат. Ар. Аҳмедова. Хром. Мактаб. Роҳила. Ром. Илғор. Берн. Бу. Ин. Тухум. Ал. Канада. Илм. Ва. От. Алла. Ов. Варна. Эрон. Агроном.




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2865 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-208.

1 2 3 4 6